O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 19 IYUL ◆ PAYSHANBA ◆ № 83 (26.785)

**Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 1992 йилда Жанубий Кореяга ташрифи чоғида бу мамлакатнинг «ДЭУ моторс» автомобиль корхонаси фаолияти билан танишар экан, биз ҳам Ўзбекистонда ана шундай завод барпо этамиз, деганди.**

**Бу гап ижобот бўлганига, яъни бу йил биринчи ўзбек автомобили конвейердан чиққанига беш йил тўлди.**




**Энди «Дамас», «Тико» ва «Нексия» сингари енгил машиналар қаторига «Матиз» автомобили ҳам қўшилади. Бу мустақиллигимизнинг 10 йиллигига «ЎзДЭУавто» жамоасининг муносиб совғасидир.**

**Дарвоқе, ҳозиргача заводда 250 мингдан зиёд енгил автомобиль ишлаб чиқарилган. Улардан 45 мингдан кўпроғи четга сотилган. Бу янги завод учун фахрли кўрсаткичдир.**



■ Суратлар (ЎзА) архивидан олинди

## МИСР ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИЗИҚИШИ

**Миср Президенти Ҳусни Муборакнинг рафиқаси Сузан Муборак номидаги Қоҳиранинг энг йирик жамоатчилик кутубхоналаридан бирида «Ўзбекистон: кеча, бугун ва эртага» номли республикамиз мустақиллиги 10 йиллигига бағишланган танишув кечаси бўлиб ўтди.**

Миср Араб Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси томонидан ташкил этилган «Буюк тарих — буюк келажак гаровидир» шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда таниқли мисрлик шарқшунос олим, ватандошимиз Насрулло Мубашир ал Тарази ҳамда Миср олий ўқув юртларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этишди.

Мисрлик мактаб ўқувчилари Ўзбекистоннинг тарихи ва унинг бугунги ҳаёти, мустақиллик йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятлар, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ва тараққиёт истиқболлари билан танишдилар.

Шундан сўнг бўлиб ўтган жонли мулоқотда мисрлик ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар. Ўзбекистоннинг турли халқаро ташкилотлардаги иштирокидан тортиб, Орол денгизи муаммолари ҳамда ўзбекистонлик болаларнинг қизиқишларигача ва умуман давлатимиз ҳаётининг деярли барча соҳалари тўғрисида кенг маълумотлар берилди.

Амалий безак санъати асарлари, Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ҳамда қадим Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарлари тасвирланган фотоэкспозициядан иборат кўргазма мактаб ўқувчилари эътиборини тортди.

■ «Жаҳон» АА

## ГЕРМАНИЯ ФИРМАСИ ТЕНДЕР ҒОЛИБИ

Андижонда барпо этилаётган болалар соғломлаштириш, спорт ва дам олиш мажмуасини жиҳозлаш учун ускуналарни етказиб беришга бағишланган тендер танлови ўтказилди. Тендерда Россия, Германия, Туркия давлатларининг аттракцион ишлаб чиқарувчи корхона ва фирмалари иштирок этдилар. Тендер комиссияси хулосасига кўра Германиянинг «Есения» фирмаси тендер ғолиби деб топилди. Энди Андижон шаҳрида қад кўтараётган мазкур мажмуа тендер ғолиби томонидан жаҳон андозаларига хос замонавий аттракционлар билан жиҳозланадиган бўлди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ТРЕНИНГДА — БОЛА ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ

Шу кунларда пойтахтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) молиявий-техник кўмагида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун тренинглар бўлиб ўтмоқда. «Ювенал юстициянинг ҳуқуқий асослари» мавзуидаги мазкур тренингларда тингловчилар инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг халқаро ҳуқуқий андозалари тизими, унинг ҳудудий ва миллий тизимлар томонидан таъминланишидан бохабар этилмоқда.

Республика таълим марказида ўтган тренингда давлат ҳокимияти томонидан болалар ҳуқуқларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояланганлигини ривожлантириш бўйича кенг кўламда ишлар олиб борилаётганлиги билан бир қаторда бу борада муаммолар ҳам мавжудлиги, бунинг асосий сабаби назарий билимлар етишмаслиги эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, бола ҳуқуқлари ҳимояси миллий тизими келиб чиқишининг тарихий, ижтимоий-сиёсий жиҳатлари, демократик давлатлар қонунчилиги тажрибасининг ҳуқуқий-қиёсий мисолида шу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

■ **О. НУРИДДИНОВ**

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

### БИРИНЧИ МАРТА

**18 июль кеч соат 17:07 да Путин Президентлик фаолияти даврида биринчи маротаба «катта» матбуот анжуманини ўтказди.**




Қарийб бир ярим соатдан ортиқ давом этган ушбу анжуманда 500 дан ортиқ маҳаллий ҳамда чет эл журналистлари иштирок этишди. Президент Генуяда бўладиган «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарларининг учрашувида кўриладиган масалалар, Россия — Хитой янги алоқалари, Россиянинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш масаласи, АҚШнинг Ракетадан мудофаа тизимини яратиш дастурига муносабати ва бошқа ички сиёсий ҳамда халқаро масалаларга доир саволларга ўз фикрини билдирди.

### НАМОЙИШ

**Испаниянинг Наварра вилоятидаги Помплон ҳамда Толос шаҳарчаларида минглаб одамлар ЭТА террорчилик ҳаракатига қарши намойишга чиқдилар.**



Улар шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси Хосе Хавера Мухики ҳамда полициячи Микел Урибени ваҳшийларча ўлдирган террорчиларга жазо берилишини талаб қилмоқдалар.

### НЕФТЬ МАСАЛАСИ КЎРИЛДИ



**Расмий ташриф билан Грецияга келган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ушбу мамлакат Президенти Константинос Стефанопулос билан учрашди.**

Музокара чоғида «Каспий нефти» масаласи ҳам муҳокама этилди. Қозоғистон томони Бургас — Александруполис нефть қувурини ётқизиш масаласига қизиқиш билан қарашини маълум қилди.

### БОМБА ЎҒИРЛАБ

**Хитойнинг Шэнси вилоятида юз берган портлаш туфайли қирқ бир киши қурбон бўлди, тўқсонга яқин одам жароҳатланди.**



Маҳаллий полициянинг айтишича, портловчи модда ишлаб чиқариладиган заводнинг собиқ ишчиси ўз уйида катта миқдордаги қўлбола бомбалар сақлаб келган. Портлаш оқибатида у яшайдиган уй ва атрофдаги бошқа биноларга жиддий зарар етди.

## КУРАШГА БАҒИШЛАНДИ

«Жар» спорт мажмуида Халқаро кураш ассоциацияси, миллий кураш федерацияси ҳамда ОАВ ходимлари иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ўзбек курашининг истиқболлари, жаҳон саҳнида унинг ўрни қандай бўлиши хусусида сўз борди.

Маълумки, яқинда Африка очиқ чемпионати бўлиб ўтганди. Унда иштирок этган вакилларимиз миллий курашимизнинг жаҳон ареналарида тобора оммавийлашиб, дунё спортида ўзининг нуфузига эга бўлиб бораётганлигининг гувоҳи бўлишганди. Матбуот анжуманида федерация вакиллари ушбу очиқ чемпионат якунлари, қитъада ўзбек курашига қизиқишнинг кучайиб бораётганлиги хусусидаги мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, яқинда иш бошлаган Халқаро кураш институтининг бугунги фаолияти, у ерга қизиқувчиларни жалб қилиш масалалари, малакали кадрлар борасидаги муаммолар ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

■ **Ҳолида ҲАМИДОВА**

## «ЁШ ОНАЛАР» ТАНЛОВИ

Кейинги йилларда юртимизда аёлларни эъзозлаш, уларнинг жамиятдаги, оиладаги роли ва мавқеини янада оширишга эътибор катта. Айниқса, кўрик-танловлар ўтказиш соғлом турмуш тарзини шакллантириш, экологик маданиятини ошириш, аждодларимиз меросини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Куни кеча пойтахтимизнинг Сирғали туманида туман хотин-қизлар қўмитаси «Экосан» халқаро жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда навбатдаги «Ёш оналар» кўрик-танловини ўтказди. Унда маҳаллалараро босқичда ғолиб бўлган 12 нафар нозокатли келинчак ўзаро беллашдилар. Ёш оналарнинг орасталиги, пазандалиги, адабиёт ва санъат, бадиий ҳунармандчилик соҳасидаги қизиқишлари, ота-онага бўлган садоқати, фарзандлари саломатлиги ва тарбиясига оид билимлари, Ватан ва она тилимизга бўлган муҳаббати, маҳалла ва шаҳар ободончилигига қўшаётган ҳиссалари ҳақидаги кўплаб маълумотлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, танлов қатнашчиларидан «Йўлдош» маҳалласидан Алияхон Абдиева, «Наврўз» маҳалласида яшовчи Раъно Худоёрова, «Қумқўрғон»лик Латофатхон Камолова, «Учувчилар» маҳалласидан Муқаддас Мансуроваларнинг чиқишлари юқори баҳоланди. Бу танловда Алияхон Абдиева ғолиб бўлиб, шаҳар миқёсидаги танловга йўлланма олди.

■ **Умида МАНСУРОВА**

## БАЛКОНДА ЕТИШТИРИЛГАН ТАРВУЗ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг масъул ходими Ўрол Бойназаров Қарши шаҳридаги кўп қаватли уйнинг 3-қаватида яшайди. Уй шароитида гул ва лимон етиштириш мумкинлиги хусусида биламиз. Лекин полиз-чи?..

Рости, бу гапга ишонмагандик. Кейин Ўрол ака уйига таклиф қилди. Балконга ўтдик. Ишонмайсиз-да, эни ва бўйи бараварига 1 метр келадиган қўлбола тахта яшикда оғирлиги тахминан 1,5 кл.ча келадиган бир дона ола-була тарвуз гуёки пайкалда етилгандек. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади деганлари шу-да.

■ **Илҳом КАРОМОВ**

ОЧИҚ ГАПЛАР

# ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ — ТАРАҚҚИЁТГА ТЎСИҚДИР

**ЮРТБОШИМИЗ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2001 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС РИВОЖИ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТДИ.**

**АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ БЎРИТОШ МУСТАФОЕВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДАГИ БАЪЗИ ТЎСИҚЛАР ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ҲАҚИДА БЎЛДИ.**

**— Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида бир неча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бевосита Президентимизнинг ўзлари Адлия вазирлигига тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир неча бор алоҳида топшириқлар бердилар. Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги сўзлаган нутқида ҳам ҳукуматимиз бошлиғи тадбиркорликни ривожлантириш тараққиётимиз гарови эканлигини таъкидлаб, уларнинг фаолиятига бўлаётган тўсқинликларни бартараф этиш бўйича вазирлик зиммасига бир қанча вазифаларни юклади. Бу нарса кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш давлатимиз учун қанчалик муҳимлигини ифодалаш билан бирга, уларнинг фаолиятини ноқонуний аралашувлар ҳам кўпайганлигини қай маънодадир ифодалаётгандай. Буларни биз тадбиркорларни рўйхатга олишдан бошлаб, ҳокимлик идоралари ходимларининг фермерлар ерларини тортиб олиши ёки текширувчи органларнинг тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувлари ва тадбиркорлик фаолиятини тугатиш жараёнининг ноқонуний амалга оширилиши мисолида кўришимиз мумкин. Шу маънода таҳлиллар нимани кўрсатаяпти?**

— Ҳақиқатдан ҳам охирги пайтларда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган, уларни ҳар қандай ҳолатлардан ҳимоя қиладиган кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Юртбошимизнинг кечаги маърузаси ҳам тўлиғича тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалаларига бағишланди, десак хато қилмаймиз. Маърузада таъкидланганидек ушбу соҳада тўлиқ ҳуқуқий база яратилди, десак ҳам бўлади. Бироқ, давлатимиз раҳбари айтганларидек, — «қонун қабул қилиш ишнинг ярми» бўлса, иккинчи ярми эса унинг жойларда ижросини таъминлашдир. Афсуски, кўпгина муаммолар айнан шу жараёнда юзага келаётганлигини таъкидлаш лозим.

> **«...тадбиркорлик соҳасининг ҳозиргача ҳам коррупция тазйиқидан, ҳуқуқ, назорат, текширув ва тафтиш тузилмаларидаги айрим мансабдорларнинг ўзбошимчаликларидан ишончли ҳимоя қилинмагани ва ночорлиги бизнинг ишимизга жиддий халақит бермоқда».**
>
> Президентнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги нутқидан.

Шу ҳолатлардан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги вазиятни яхшилаш мақсадида бир қатор аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқди ва амалга оширди. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими яратилди. Вазирлик томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол қилувчи ҳар бир давлат хизматчисининг муқаррар жавобгарликка тортилишига қаратилган зарурий таъсир чоралари кўрилмоқда.

**Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ҳар бир ноқонуний аралашиш ҳолати бўйича Адлия вазирлигига тезкор махсус хабар юборилади ва у бўйича кескин чоралар кўрилади. Бунда тадбиркорга суд тартибида нафақат етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани, балки маънавий зиённи ҳам ундириб бериш каби қонунда белгиланган самарали таъсир чоралари қўлланилмоқда.**

**Кўрилган чоралар натижасида биргина 2000 йил давомида адлия идоралари томонидан тадбиркорларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга киритилган 432 даъво аризасидан 270 таси (204.360.064 сўмлик) қаноатлантирилди. Бундан ташқари, судлар томонидан 143 та мансабдор шахслардан 38.575.361 сўмлик моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан ҳам қарорлар қабул қилинди. Ушбу мансабдор шахсларнинг 64 нафари давлат солиқ инспекциялари, 79 нафари эса хўжалик раҳбарлари ва бошқа турдаги назорат органлари ходимларидир.**

*(Давоми 3-бетда)*

(Давоми. Боши 1-бетда)

# ТАДБИРКОРГА ТЎСИҚ — ТАРАҚҚИЁТГА ТЎСИҚДИР

Адлия идораларининг талабларига кўра **85** мансабдор шахс интизомий жавогарликка тортилиб, улардан **34**таси эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди. Бундан ташқари **46** мансабдор шахс маъмурий ва **4**таси жиноий жавобгарликка тортилди.

Судлар томонидан тадбиркорларга нисбатан жиноий ишларни кўришнинг қонунийлиги устидан назорат юритиш тизими ҳам жорий қилинди. Тадбиркорнинг ноқонуний жавобгарликка тортилиши ва судланиши фавқулодда ҳолат, деб қаралмоқда. Ушбу турдаги барча ишлар бўйича вилоят судлари томонидан Адлия вазирлигига суд қарорларининг асослилиги тўғрисидаги хулоса юборилади. Ушбу ишлар натижасида 315 та тадбиркор реабилитация қилинди.

Ҳозирги вақтда судланган тадбиркорлар сони икки баравар, озодликдан маҳрум этиш туридаги жазо тайинлаш ҳоллари олти баравар камайди.

Жойларда тадбиркорларни ҳимоя қилиш, шартномавийлик муносабатларни ўрганиб чиқиб амалий ёрдам кўрсатиш вазирликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди. Лекин қилинаётган бу ишлар ҳали етарли эмас.

Адлия вазирлиги ходимлари гуруҳи ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида биргина Тошкент вилоятининг ўзида 20 мингга яқин иқтисодий қонунчилик талаблари бузилишларини аниқлади. Улардан 2062 таси ҳокимликлар томонидан, 488таси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари томонидан *(тадбиркорларни рўйхатга олиш бўйича ҳокимликларнинг вазифаларини ноқонуний бажариш, бундан ташқари, қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш, рўйхатга олиш муддатларини бузиш, якка тартибдаги тадбиркорларни ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш йўли билан аъзолик бадаллари тўлашга мажбур этиш)*, 374 таси банклар томонидан, 185 таси солиқ идоралари томонидан *(рўйхатга олиш ва солиқ тўловчига идентификация рақами бериш тартибини бузиш, қўшимча ҳисоботлар талаб қилиш, имтиёзлар бермаслик, ноқонуний текширувлар ўтказиш ва уларни жавобгарликка тортиш)*, 84 таси ёнғин назорати органлари томонидан, 13 мингга яқин қонун бузилиши ҳоллари хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш юзасидан содир қилинган.

Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бири бўйича қонун бузилишини бартараф этиш юзасидан назорат карточкалари юритилган.

Жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириб вазирлик Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган вилоятларида 2000 йилда аниқланган қонунбузилишлар қандай бартараф этилаётганлигини аниқлаш мақсадида назорат тартибида текширишларни ўтказмоқда.

**— Маълум бўлишича, шу йилнинг ўтган ойлари давомида Андижон ва Навоий вилоятларида текширишлар ўтказилиб, натижаси бўйича ҳар икки вилоят ҳокимликларига тақдимномалар киритилибди. Демак, жойларда тадбиркорлар манфаатига айнан масъул идоралар томонидан асоссиз аралашувчилар ҳамон давом этаяпти...**

— Навоий ва Андижон вилоятларида бўлиб қайтган масъул ходимларимиз ўзларининг текшириш хулосаларини тайёрладилар. Аниқланишича, Андижон вилоятида 5986 та қонун бузилишлари содир этилган. Тасаввур қилинг, 6 мингга яқин қонун бузилишлари. Унинг ортида қанча-қанча тадбиркорлик билан шуғулланаётган юртдошларимизнинг тақдири, қисмати ётибди. Сизга ва газетхонларимизга аниқроқ бўлиши учун қонунбузарликлар кимлар томонидан амалга оширилаётганлигини айтиб ўтмоқчиман: ҳокимликлар бўйича 54 ҳолат содир этилган. Унда Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги» қонунининг 21, 34-моддаларига зид равишда тадбиркорлар фаолиятига ҳокимликлар томонидан асоссиз аралашиш ва уларнинг пул маблағларини турли жамғармаларга жалб этиш каби салбий ҳолатларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Масалан, Балиқчи туман ҳокимининг 2000 йил 20 июлдаги, Олтинкўл тумани ҳокимининг 2000 йил 18 июлдаги, Қўрғонтепа туман ҳокимининг 2000 йил 15 июлдаги қарорларини айтиб ўтиш мумкин.

**Ўтган 6 ой давомида Адлия идоралари томонидан тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида судларга 1295 та даъво аризаси киритилган.**

**181 мансабдор шахс чўнтагидан тадбиркорларнинг 52 миллион 394 минг 34 сўмлик бой берилган моддий ва маънавий фойдаси ундирилиб берилди. Қонунбузар раҳбарларнинг 113 нафари хўжалик раҳбарлари, 38 нафари назорат қилувчи идора ходимлари, 30 нафари давлат солиқ инспекцияси ходимларидир.**

**Шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида қишлоқ хўжалик корхоналари, деҳқон-фермер хўжаликлари, оилавий пудратчилар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга келтирилган моддий ва маънавий зарарларни ундиришни кўзлаб, шу йилнинг 6 ой ичида адлия ходимлари томонидан 2398 та 760 миллион 523 минг 767 сўмлик даъво аризаси судларга киритилган.**

**Шундан 333 миллион 960 минг 885 сўмлик 1303 даъво аризалари қаноатлантирилган.**

Ёки «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг мониторинги бўйича 347, банклар бўйича 211, Давлат солиқ идоралари томонидан184 та, нефть ва газ корхоналари иштирокида 110 та қонунбузилишлари аниқланган.

9 та ҳолатда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси талабига зид равишда назорат қилувчи идоралар томонидан битта тадбиркорлик субъекти бир йил давомида бир неча марта текширилган.

Асака шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркор С. Ташланов 2000 йил 19 июлдан 2000 йил 28 августгача беш марта, яъни давлат солиқ инспекцияси, Асакабанк, Меҳнат бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, Давлат санитария ва эпидемиология назорати идораси томонидан текширилган. Ушбу текширишлар давомида якка тартибдаги тадбиркорнинг молиявий-хўжалик фаолияти уч маротаба текширилганлиги аниқланди.

«Давр-Х» кўп тармоқли жамоа корхонаси Қўрғонтепа давлат солиқ инспекцияси томонидан 2000 йил 7 октябрь ва 2001 йил 22 январда текширилган. Икки ҳолатда ҳам текшириш режадан ташқари ўтказилган бўлиб, уларга асос қилиб Қўрғонтепа тумани давлат солиқ инспекциясининг буйруғи кўрсатилган. Ваҳоланки, текшириш фақат Республика Мувофиқлаштирувчи кенгаши рухсати билангина амалга оширилади.

Асака дори-дармон масъулияти чекланган жамияти 2000 йил 18 сентябрдан 2001 йил 23 мартгача етти марта, Асака шаҳар 6-сонли шаҳар ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми ҳамда Асака шаҳар шунингдек, давлат санитария эпидемиология назорати маркази икки марта, Андижон вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси, Асака шаҳар Меҳнат бўлими, Давлат солиқ инспекцияси томонидан текширилган.

Жалақудуқ давлат акциядорлик машина-трактор парки 2000 йил 17 ноябрдан 2001 йил 20 февралгача саккиз марта, яъни вилоят статистика бошқармаси, вилоят молия бошқармаси «Саноатноконтехназорат» агентлиги, Жалақудуқ туман давлат солиқ инспекцияси ва Жалақудуқ туман статистика бўлими томонидан текширилган.

Улуғнор туманидаги ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг «Оқолтин» бўлимида 2000 йилнинг 2 ярим йиллигида 6 та, 2001 йилнинг 3 ойи давомида 7 та текшириш ўтказилганлиги аниқланди.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари яна бир неча ноқонуний ҳолатлар ҳам содир этилган. Уларни ўрганиб чиқиб жавоб бериш учун Адлия вазирлиги томонидан Андижон вилоят ҳокимига тақдимнома киритилди.

**— Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, битта хўжаликни 1 йилда бир эмас, етти-саккиз марталаб текширишларининг жиндек сабаби ҳали ҳамма хўжаликлар «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» билан тўла таъминланмаганлиги ҳамдир. Ушбу етишмовчиликни тўлдириш борасида вазирлик қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— 2000 йилда Давлат матбуот қўмитаси 100 минг нусхадаги буюртмамизни бажарди. Ушбу китоб тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятига ноқонуний аралашишларга кескин тўсиқ бўлди. Фирибгар текширувчиларнинг «ови» юришмай қолди. Шуни эътиборга олиб яна 150 минг нусха китоб тарқатиляпти.

**— Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилишига фақат ҳуқуқий саводсизликни сабаб қилиб кўрсатиб бўлмайди. Уларнинг саводсизлигидан фойдаланаётган фалон раҳбар, писмадончи ҳокимлар ҳам анчагина экан. Вазирлик жорий этган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» ва ишонч телефонлари аллақачон тадбиркорларнинг ҳимоячисига айланиб улгургани рост. Аммо юқоридаги мисоллар бевосита раҳбар ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан кўрилаётган чоралар кам эканлигини кўрсатиб тургандай...**

— Энг ачинарлиси шундаки, бундай қоидабузарликларнинг ташаббускорлари маҳаллий ҳокимият органлари бўлмоқдалар. Моҳиятига кўра қонунчилик талабларига қарши бўлган бундай ҳаракатлар натижасида тадбиркорларнинг амалга оширилаётган ислоҳотларга бўлган ишончига жиддий путур етказилмоқда.

Ноқонуний ҳаракатлар хусусий мулкка нисбатан ҳужумдир. Ваҳоланки, унинг дахлсизлиги ва мутлоқлиги Конституциямиз билан кафолатланган. Билиб қилинган хатолар кечирилмайди. Қонунга хилоф ишлар ким томонидан содир этилишидан қатъий назар, у ўзининг қонуний жазосини олмоғи керак. Адлия вазирлиги ходимлари маърузадан келиб чиқиб ўзининг олдига бир қанча вазифаларни белгилаб олади ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган ноқонуний аралашувларга қонуний чоралар кўраверади.

Президентимиз айтганларидек: «Қонун барча учун баробар. Қонун олдида ҳамма тенг. Биз қонун устуворлигини ислоҳотларни амалга оширишдаги асосий тамойилларимиздан бири, деб билишимиз керак».

■ **Суҳбатдош: Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

# «КУРСК» НЕГА ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ?

## БУНГА АНИҚ ЖАВОБНИ ТЕЗ КУНДА ОЛАМИЗ.

**Жаҳон ҳамжамияти диққат марказида, аср сўнггида Россия учун энг катта фожиалардан бири деб саналган «Курск» атом сувости кемасини сув юзига чиқариш операцияси турибди. Масала Россия ҳукумати салкам ярим йилдан буён кемани чиқариб ололмаганида ёки 118 денгизчининг сув тагида қолиб кетганида эмас, балки атом манбаини ўз ичига олган, бир қанча торпедолари зарарланган, 24 дона учувчи ракетани бағрида сақлаган кема ҳар нафасда инсоният учун ҳалокат олиб келиши, ишнинг қанчалик хатарли эканлигини кўрсатади. Шунинг учун жаҳон оммавий ахборот воситалари жамоатчиликни операциянинг бориши ҳақида тўхтовсиз таништириб бормоқда.**

**Қуйида «Курск» операциясининг босқичма-босқич жараёни билан танишасиз.**

Шуни айтиш жоизки, Россия ҳукумати «Курск»ни сув юзасига чиқариш лойиҳасини Норвегия, АҚШ ҳамда Англия мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқди. Дастлаб, олим ва мутахассислар «Курск» нинг худди ўзидек келадиган ўлчамдаги моделини ясаб, қутқаришнинг турли хил вариантларини режалади. Операцияда керак бўладиган махсус роботлар ясалди, денгизда синаб кўрилди. Ишнинг бошида Норвегиянинг «Мауо» илмий-текшириш кемаси турибди. Кемада барча зарур роботлар, россиялик, британиялик ҳамда америкалик тажрибали ғоввослар ҳамда мутахассислар жой олган. «Мауо»ни эса ҳар эхтимолга қарши сувости кемасига қарши курашувчи «Североморск», кичик ракетали «Айсберг» кораблари ҳамда «Муклевич» ва ГС — 87 номли гидрографик кемалар кузатиб бормоқда.


Дастлаб Олимлар «Курск» модели устида тажриба ўтказишди.

Операциянинг **биринчи босқичи** ниҳоясига етди. Бунда камералар ўрнатилган роботлар ёрдамида «Курск» қайта ўрганилиб чиқилди, радиация ўлчами текширилди. Хавсизликни таъминлаш чоралари кўрилди.


«Мауо» илмий-текшириш кемаси



**2 - БОСҚИЧ.** Кеманинг бош қисми махсус лойиҳалаштирилган занжирсимон арра билан кесиб олинади. Сабаби, ҳалокат вақтида бурун қисм жиддий зарарланган бўлиб, кемани сувдан кўтариш пайтида узилиб кетиши мумкин. Бундан ташқари бу қисмда торпедолар жойлашган. Кесиш операциясидан олдин ғоввослар ёрдамида «лат емаган» торпедолар сув юзасига чиқариб олинади. Бу босқични хавфсиз деб бўлмайди, торпедоларни жойидан силжитиш кутилмаган ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

**3 - БОСҚИЧ.** Бу босқичда «Курс» 26 та бақувват занжирлар билан улкан ясси кема ёрдамида сув юзасига тортиб олинади. Бунинг учун ғоввослар кема юза қисмида занжирларни бирлаштириш учун диаметри 70 см. бўлган тешикларни очишга тўғри келади. Кейин тортувчи ясси кеманинг турли бурчакларида пропорционал жойлаштирилган гидравлик кранлар ёрдамида 18300 тонналик юк юқорига тортилади. Агар ҳамма иш режадагидек амалга ошса, операция 12-15 соатда тугайди.






**4 - БОСҚИЧ.** Ясси кема «Курск»ни шатакка олиб, Мурманскка қараб салкам бир ҳафта давомида судраб боради. Уни қирғоқда сузувчи док — «кемаларни тузатадиган корхона» кутиб туради ва ўз бортига чиқариб олади. Докда ўрнатилган махсус насослар ёрдамида «Курск» сувдан тозаланади. Сўнгра, бошига мусибат тушган 106 оиланинг жигарбандлари, кема ичидаги ҳалок бўлган 106 денгизчининг жасади чиқариб олинади (12 жасад 2000 йил октябрь ойида тортиб олинган).

Охирги нозик операция: 24 та «Гранит» ракетаси хавфсизлантирилади.

**Операциянинг ниҳоясида, ҳамма сабрсизлик билан кутган саволга жавоб олинса ажабмас. «Курск» нега ҳалокатга учради? Гарчи, шу йил 25 майда Бош вазир ўринбосари Илья Клебанов ҳалокат, кемадаги торпедолардан бирининг портлаши оқибатида содир бўлган, дея узил-кесил жавобни берган бўлса-да, бу савол очиқ қолмоқда:**

**«Курск» нега ҳалокатга учради? Нега, уч кунгача охирги нафасларини олаётган денгизчилар қутқарилмади ёки улардан воқеа сабаблари сигналлар билан бўлса-да олинмади?..**

■ **Internet хабарлари асосида Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади**

# XORIJDA

## АҚШ МАНФААТЛАРИГА МОС

Расмий Вашингтон ўтган душанба куни Россия билан Хитой ўртасида имзоланган яқин қўшничилик тўғрисидаги шартнома АҚШга ҳеч қандай зарар келтирмайди, деган фикрда. Оқ уй матбуот котиби Ари Фрайшер шуни маълум қилди. Унинг таъкидлашича, Россия билан Хитой дунёда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида ҳамкорлик қилишга имконият топган экан, бу АҚШ манфаатларига ҳам мос келади.

## КУТИЛМАГАН ОФАТ

Жанубий Кореяда ўтган дам олиш кунлари бошланган ёғингарчилик табиий офатга айланиб кетди. Қурбонлар ва бедарак йўқолганлар сони 50 кишидан ортиқ. Хабарларга кўра, порт шаҳар — Инчон кўчаларида ўттизга яқин одамнинг жасади топилган.



## МУАММО МУҲОКАМАГА ҚЎЙИЛАДИ



Жаҳон саломатлик жамғармаси Генуяда бўладиган «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарларининг учрашувида юқумли касалликларга қарши курашни кучайтириш учун маблағ ажратиш масаласини ўртага қўймоқчи. Франция Президенти Жак Ширак БМТнинг соғлиқни сақлаш жамғармасига йўллаган мактубида шуни маълум қилди.

# АКУЛА УЗИБ ОЛГАНДИ

**Американинг Флорида штатида яшовчи 8 ёшли Жесси Арбогэт денгиз қирғоғида чўмилаётиб, акула ҳужумига учради.**



*Акула қирғоқдан уч метрлар нарида чўмилаётган Жессининг бир қўлини тишлаб, узиб олганди. Боланинг бахтига унинг ёнида амакиси ҳам бўлган. Акула билан жангга киришган Жессининг амакиси соҳилдаги қутқарувчи ёрдамида йиртқични ўлдиришга муваффақ бўлади. Сўнг акуланинг оғзини таёқ билан йириб, ичидан Жессининг узилган қўлини топишади.*

*Фалокатдан ярим соат ўтгач, Жесси Флоридадаги госпиталга ётқизилади. Операция бошланганда бола ҳушсиз ётарди. Шифокорларнинг ўн икки соатлик машаққатли уринишларидан сўнг акула узиб олган қўлни тикишга муваффақ бўлишди. Уларнинг огоҳлантиришларича, тикилган қўл фақат бир ярим йил мобайнида тинимсиз даволаниш натижасидагина тўлиқ ишлаб кетиши мумкин.*

*Бироқ боланинг аҳволи тўсатдан ёмонлаша бошлади. Жигар фаолиятининг бузилиши оқибатида мияга қон қуйилиши содир бўлди. Зудлик билан қон тозалангачгина бола аҳволи бироз мўътадиллашди. Шифокорлар ҳозирча боланинг кейинги ҳаёти ҳақида бирор нима дейишолмаяпти. Фақат бир ҳафта ичида аниқ қарорга келиш мумкин экан.*

*Ҳозирча эса Жессининг акула тишидан зарарланган бошқа жойларига унинг ўзининг териси кўчириб, тикилаяпти.*

*Умуман, акуланинг инсонга ҳужуми тез-тез бўлиб турадиган ҳодиса. Ўтган йил ҳисобида шундай ҳодисалар 79 марта такрорланган. Шундан 59 таси АҚШга тўғри келади. Мутахассислар бундай пайтда саросимага тушмасликни тавсия қилишади. Акула ҳужумини қайтаришнинг энг яхши йўли акула жабрасига ёки икки кўзининг ўртасига боплаб тушириш экан.*

■ **Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА тайёрлади**

**ДИҚҚАТ: САВОЛ-ЖАВОБ ЎЙИНИ**

# «СИЗ ШВЕЙЦАРИЯ ҲАҚИДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?»

## ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРИ

**2001 ЙИЛ 7 ИЮНЬ**

**1. Швейцариянинг умумий майдони қанча?**
41290 км.
**2. Швейцария аҳолисининг сони қанча?**
7 100 000
**3. Швейцария билан чегарадош давлатлар сонини айтинг?**
5 та
**4. Швейцарияда нечта кантон бор?**
26 та
**5. Швейцарияда нечта расмий тил бор?**
француз, италян, немис, ретророман
**6. Швейцарияда қайси дин расмий ҳисобланади?**
бирор дин расман тан олинмаган.

**2001 ЙИЛ 14 ИЮНЬ**

**1. Берн кантонлигининг умумий майдони қанча?**
5960,9 кв. км.
**2. Қуйида келтирилган фирмалардан қайси бири Швейцария фирмалари ҳисобланади?**
Nestle, Jacobs-Suchard
**3. Ален Таннер ким?**
швейцариялик режиссёр
**4. Швейцариянинг пул бирлиги?**
франк
**5. Швейцария ва хорижда замонавий мусиқанинг ривожланишида жуда муҳим роль ўйнаган ҳамда мусиқа фалсафаси ҳақида фундаментал асарлар яратган инсон ким?**
Эрнест Ансермет
**6. Қайси музей Швейцария санъатининг маркази ҳисобланади? (У ерда Клей асарларини учратиш мумкинми?)**
Берн музейи

**2001 ЙИЛ 21 ИЮНЬ**

**1. Қайси йили Швейцариянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлаган?**
1993
**2. «Ўзбекистон-Швейцария» дўстлик жамияти қачон ташкил топган?**
1999
**3. Қуйида келтирилган авиакомпаниялардан қайси бири Швейцария авиакомпанияси ҳисобланади?**
Swissair
**4. XX аср даҳоларидан бири Джованнининг ўғли Алберто Джакометти ким бўлган?**
рассом ва ҳайкалтарош
**5. Швейцарияда 1997 йили атом энергиясидан олинадиган электр умумий ишлаб чиқаришнинг ______% ташкил этади.**
39,6%
**6. Швейцариянинг қайси шаҳрида Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси жойлашган?**
Женева

**2001 ЙИЛ 28 ИЮНЬ**

**1. Швейцариянинг қайси шаҳрида суд ҳокимияти жойлашган?**
Лозанна
**2. Швейцария аҳолисининг зичлиги 1 кв. км.да?**
168,8
**3. Қайси Швейцария олими 1986 йили физика соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлган?**
Хайнрих Рорер
**4. «Блик» газетаси қандай газета турига киради?**
хиёбон газетаси
**5. Швейцария пишлоқларининг қайси турларини биласиз?**
грюйер, эмментал, тилсит
**6. Швейцарияда тайёрланадиган қайси вино турларини биласиз?**
сепаж пино, гамей, мерло.

**2001 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ**

**1. Швейцарияда энг кичик жамоанинг номини айтинг?**
Мериеб
**2. Швейцарияда соат ишлаб чиқарадиган фирмаларни биласизми?**
Tisso, Longines
**3. Швейцария жаҳоннинг энг мустаҳкам суғурта қилинган давлати рекордига эгами?**
Ҳа.
**4. Швейцария БМТ аъзоси ҳисобланадими?**
Йўқ
**5. Швейцарияда энг катта тўғоннинг номини айтинг.**
Гранд Диксонс
**6. «Юстиция» китобини ким ёзган?**
Фридрих Дуренмат

**2001 ЙИЛ 12 ИЮЛЬ**

**1. Қайси йили Федерал конституцияни қайта кўриб чиқиш учун сайловчилар овоз берган?**
1999
**2. Конфедерация ташкил топган йилни айтинг?**
1291
**3. Алплар Швейцария майдонининг неча %ини ташкил қилади?**
20%
**4. Маттерхорн тоғлари денгиз сатҳидан қанча баландликда жойлашган?**
4478 м.
**5. Швейцарияда энг катта музликнинг номини айтинг?**
Алетсглетчер.
**6. Қайси йили аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи жорий қилинган?**
1973

«НАВРЎЗ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2000 йилга ҳар бир акцияга 152 сўм 50 тийин дивиденд ҳисобланган. Дивидендларни тўлаш 2001 йил 31 августгача амалга оширилади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Дивидендларни олиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Бўз» бозори.

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 301-ўрта мактаби томонидан 1993 йилда Махамаджонов Ильхам Мурадович номига берилган АУ 301396 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

# ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ (СОБЫТИИ, ДЕЙСТВИИ), ЗАТРАГИВАЮЩЕМ ФИНАНСОВО-ХОЗЯЙСТВЕННУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ЭМИТЕНТА.

**Открытое акционерное общество:** «Ахангараншифер».
**Вид общего собрания:** Годовое.
**Форма проведения общего собрания:** очная.
**Дата проведения общего собрания:** 29.06.2001г.
**Место проведения общего собрания:**
Ташкентская область, г.Ахангаран, промзона, ОАО «Ахангараншифер».
**Дата появления факта (события, действия):** 14.07.2001 г.
**Порядковые номер сообщения:** 09
**Кворум общего собрания:** В собрании приняли участие акционеры и их полномочные представители, обладающие в совокупности — 142475 голосами, что составляет 64,3% от общего количества размещенных акций общества.

**Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:**

1. Утвердить отчет об итогах финансово-хозяйственной деятельности акционерного общества за 2000 год. («За» — 18852 голоса или 13,2% голосов акционеров, принимавших участие в собрании)
2. Утвердить Годовой отчет общества по итогам деятельности в 2000 г., бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков. («За» — 18200 голоса или 12,8% голосов акционеров, принимавших участие в собрании)
3. Утвердить заключение Ревизионной комиссии по годовому отчету общества, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков по результатам деятельности в 2000 г. («За» — 140038 голоса или 98,3% голосов акционеров, принимавших участие в собрании)
4. Утвердить заключение аудиторской организации о подтверждении достоверности финансовой отчетности общества за 2000 г. («За» — 139085 голоса или 97,6% голосов акционеров, принимавших участие в собрании)
5. Утвердить размер годового дивиденда, выплачиваемого на одну привилегированную и обыкновенную акцию за 2000 г. в сумме — 300 сум. Выплату осуществить в денежной форме или по желанию акционеров продукцией завода (шифером) в сроки, установленные законодательством. («За» — 142281 голоса или 99,8% голосов акционеров, принимавших участие в собрании)
6. Утвердить аудитора общества на 2001 год. («За» — 68952 голоса или 48,4% голосов акционеров, принимавших участие в собрании)
7. Утвердить увеличение Уставного капитала общества за счет увеличения номинальной стоимости акций. («За» — 142281 голоса или 99,9% голосов акционеров,принимавших участие в собрании)

## Бухгалтерский баланс ОАО «Ахангараншифер»

**На 1 января 2001 г. (тыс. сум)**

| Актив | На начало года | На конец года | Пассив | На начало года | На конец года |
|---|---|---|---|---|---|
| *1. Долгосрочные активы* | | | **1. Источники собственных средств** | | |
| *Основные средства* | 143838 | 199219 | *Уставный капитал* | 24627 | 24627 |
| *Нематериальные активы* | 17865 | 31275 | *Добавленный капитал* | 139134 | 19929 |
| *Капитальные вложения* | 35394 | 35214 | *Нераспределенная прибыль* | 45833 | 70577 |
| *Займы ассоциированным предприятиям* | 3575 | 5574 | *Целевые фонды* | 20296 | - |
| *ИТОГО по Разделу I* | 200672 | 271283 | *ИТОГО по Разделу I* | 229890 | 115133 |
| *2. Оборотные активы* | | | **2. Обязательства** | | |
| *Производственные запасы* | 245450 | 800113 | *Краткосрочные займы* | 71000 | 280000 |
| *Незавершенное производство* | 4553 | 8465 | *Авансы, полученные от покупателей и заказчиков* | 129224 | 164006 |
| *Готовая продукция* | 14572 | 117124 | | | |
| *Товары для перепродажи* | 3233 | 8732 | *Кредиторы:* | | |
| *Денежные средства* | 64225 | 25657 | • *Поставщики* | 293189 | 255105 |
| *Собственные акции выкупленные* | 69825 | - | • *Задолженность бюджету* | 18696 | 330657 |
| *Дебиторы:* | | | • *Задолженность по оплате труда* | 14908 | 37196 |
| • *Расчеты с покупателями и заказчиками* | 5848 | 7108 | • *Задолженность по социальному страхованию и обеспечению* | 9330 | 21730 |
| • *Авансовые платежи* | 84202 | 9941 | • *Задолженность по внебюджетным фондам* | 6178 | 1175 |
| • *Расчеты с бюджетом* | 89297 | 84597 | • *Задолженность дочерним предприятиям* | 74 | 126663 |
| • *Расчеты с персоналом* | 1286 | 337 | • *Задолженность по ассоциированным предприятиям* | 3611 | - |
| • *Расчеты с дочерними предприятиями* | - | 5030 | • *Прочие кредиторы* | 7344 | 13876 |
| • *Расчеты с ассоциированными предприятиями* | - | 3258 | | | |
| • *Прочие дебиторы* | 281 | 3896 | | | |
| *ИТОГО по Разделу II* | 582772 | 1074258 | *ИТОГО по Разделу II* | 553554 | 1230408 |
| **БАЛАНС** | 783444 | 1345541 | **БАЛАНС** | 783444 | 1345541 |

## Отчет о финансовых результатах за 2000 г. (тыс. сум)

| Показатели | За 1999 г. | За 2000 г. |
|---|---|---|
| *Чистая выручка* | 2555459 | 6763892 |
| *Производственная себестоимость реализованной продукции* | 2003440 | 5695660 |
| *Валовой финансовый результат от реализации* | 552019 | 1068232 |
| *Финансовый результат от основной деятельности* | 156896 | 369640 |
| *Финансовый результат от общехозяйственной деятельности* | 76877 | 171739 |
| *Общий финансовый результат* | 76877 | 171739 |
| *Чистая прибыль* | 26087 | 26358 |

## Чистые активы

| | На начало года | На конец года |
|---|---|---|
| Стоимость чистых активов по балансовой стоимости, тыс. сум | 209594 | 115133 |
| Чистые активы на одну акцию, сум | 851 | 467 |
| Отношение чистых активов к уставному капиталу и резервному фонду, % | 739 | 467 |

*Достоверность финансового отчета подтверждена Аудиторской фирмой «Осиё-Аудит» (Лицензия № 510 от 19.09.1998 г. Министерства финансов Республики Узбекистан).*

Председатель наблюдательного совета: Шадманов М. В.
Генеральный директор: Умирзаков Э. А.

## Информация о существенном факте (событии, действии), затрагивающем финансово-хозяйственную деятельность эмитента.

**Открытое акционерное общество:** «Ахангаранширфер».
**Место нахождения:** Республика Узбекистан, г. Ахангаран, промзона.
**Порядковый номер сообщения:** 10
**Орган управления эмитента, в котором произошли изменения:**
Единоличный исполнительный орган — Генеральный директор.
**Фамилия, имя, отчество назначенного И. О. Генерального директора:**
Умирзаков Эргашали Абдихаликович.
**Доля участия в Уставном фонде эмитента лица, которое лично является акционером:** 0,2%.
**Дата, когда произошли изменения:** 17 января 2001 г.
**Уполномоченный орган эмитента, принявший решение:**
Наблюдательный совет общества.

«17» января. 2001 г.

**Председатель наблюдательного совета:** **Шадманов М. В.**
**Генеральный директор:** **Умирзаков Э. А.**

## Информация о существенном факте (событии, действии), затрагивающем финансово-хозяйственную деятельность эмитента.

**Открытое акционерное общество:** «Ахангараншифер».
**Место нахождения:** Республика Узбекистан, г. Ахангаран, промзона.
**Порядковый номер сообщения:** 05
**Вид ценных бумаг, по которым выплачиваются дивиденды:**
привилегированные и обыкновенные акции.
**Дата принятия эмитентом решения о выплате (объявлении) дивидендов:** 29.06.2001 г.
**Дата окончания выплаты дивидендов:** 29.08.2001 г.
**Орган эмитента, принявший решение о выплате дивидендов по акциям:**
Годовое Общее Собрание акционеров.
**Размер дивиденда, выплачиваемого на одну акцию:**
- Привилегированную — 100 сум;
- Обыкновенную — 100 сум.

**Общее количество акций, по которым начисляются дивиденды:**
- Привилегированных — 24 627 штук
- Обыкновенных — 221 639 штук

**Форма выплаты начисленных дивидендов: денежными средствами или продукцией завода.**

**Председатель наблюдательного совета:** **Шадманов М. В.**
**Генеральный директор:** **Умирзаков Э. А.**

## Информация о существенном факте (событии, действии), затрагивающем финансово-хозяйственную деятельность эмитента.

**Открытое акционерное общество:** «Ахангараншифер».
**Место нахождения:** Республика Узбекистан, г. Ахангаран, промзона.
**Порядковый номер сообщения:** 07
**Дата принятия эмитентом решения, на которую составляется список владельцев ценных бумаг:** 29.05.2001 г.
**Уполномоченный орган эмитента, принявший решение о составлении списка владельцев ценных бумаг:**
Наблюдательный совет общества.

**Председатель наблюдательного совета:** **Шадманов М. В.**
**Генеральный директор:** **Умирзаков Э. А.**

## СПИСОК аффилированных лиц ОАО «Ахангаранширфер» по состоянию на 29.06.2001 г.

| № п/п | Ф.И.О. аффилированного лица | Количество принадлежащих аффилированному лицу акций, шт.: Всего | В т.ч. привилегиров | В т.ч. простые | Основание, по которому лицо является аффилированным |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Шадманов М. В. | - | - | - | Председатель Наблюдательного Совета |
| 2 | Усманов Р. | 554 | - | 554 | Член Совета |
| 3 | Шамсутдинов Ф. Ф. | 1254 | 187 | 1067 | Член Совета |
| 4 | Кравченко А. | 742 | - | 742 | Член Совета |
| 5 | Захидов З. | - | - | - | Член Совета |
| 6 | Шакиров М. | 685 | - | 685 | Член Совета |
| 7 | Шаабдурахимов Ш. | - | - | - | Член Совета |
| 8 | Умирзаков Э. А. | 374 | 35 | 339 | Генеральный директор |

**Председатель наблюдательного совета:** **Шадманов М. В.**
**Генеральный директор:** **Умирзаков Э. А.**

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
*Siyosat va huquq — 133-44-55*
*Iqtisodiyot — 133-76-04*
*Ma'naviyat — 133-07-20*
*Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16*
*Axborot — 133-12-56*
*Kotibiyat — 133-72-83*
*Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80*
*Faks — 133-73-43, 133-06-83*

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
*Andijonda — 25-16-16;*
*Buxoroda — 222-10-92;*
*Gulistonda — 25-03-80;*
*Jizzaxda — 5-49-85;*
*Navoiyda — 3-39-20;*
*Namanganda — 6-43-43;*
*Nukusda — 222-70-12;*
*Samarqandda — 35-20-54;*
*Toshkentda — 136-53-16;*
*Urganchda — 226-51-35;*
*Fargonada — 26-43-62;*
*Qarshida — 4-61-35;*
*Termizda — 3-79-98.*

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KÓCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sulaymon HAYDAROV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon kóchasi, 41-uy.*

*Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qómitasida 00004-raqam bilan róyxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*
«Ózbekiston ovozi» materiallarini kóchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 2602

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 21.30*
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA